Ушбу сонда:
2 ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ВА ШАХС конституциямизнинг асосий тамойиллари
3 ҚОНУНГА ҲУРМАТ, МУЛККА ЭГАЛИК ҲИССИ
4 АЖДОДЛАРДАН МЕРОС ҳунармандлар мактаби

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 3 декабр, чоршанба № 187 (1612)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ВАТАН МУКОФОТИ – ХОРАЗМ ЭЛИГА ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Хоразм қўҳна тамаддун бешикларидан ҳисобланади, «Авесто» қадар қадимий юрт. Ўтмиши бой, келажаги мунаввар. Дунёга Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Пахлавон Маҳмуд, Огаҳий каби машҳур алломаларни етказиб берган табаррук замин.

Президент Ислом Каримовнинг Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги нутқи

Мамлакатимиз мустақиллиги қўҳна Хоразм тарихида янги - буюк юксалиш даврини бошлаб берди. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ миллат ғурурини уйғотиш, унинг бой меросини, улуғ алломаларини, асрий анъаналарини дунёга машҳур этишга бел боғлаган Юртбошимиз қадим Хоразм маданиятига ўзгача меҳр билан қарайди. Ўтган йилларда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Айниқса, Жалолиддин Мангубердидек миллатнинг ҳақиқий ўғлонига, юрт фидойисига алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши ҳам буюк аждодларга юксак эҳтиром рамзидир.

Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бири бўлмиш Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуғ иш бўлур эди», деган эди. 1997 йилнинг 11 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бугун ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология каби илмий бўлимлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, турли соҳалардаги янгиланишлар вилоят халқ хўжалиги тизимини тубдан ўзгартирди. Одамларнинг меҳнатга, мулкка муносабати ўзгарди. Улар ўз келажаги ва юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатмоқда.

Юртбошимиз хоразмлик деҳқонларнинг ҳар бир кунини жасоратга менгзаган эди. Дарҳақиқат, мураккаб иқлим шароитида меҳнат қилаётган вилоят деҳқонлари эришаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Улар бу йил ҳам ғалла, пахта етиштиришда улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатимиз тарихида илк бор шолидан энг юқори ҳосил олинди. Бунда хоразмлик миришкорларнинг катта ҳиссаси бор.

Вилоят қишлоқ хўжалиги тизимида фермер хўжаликлари муҳим ўрин тутади. 6 минг 170 фермер хўжалиги меҳнати билан вилоятда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ортиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини кўрсатяпти. Болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ Хоразм вилояти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини топшириш учун 2 декабр куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тантанали маросимни Хоразм вилояти ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Бобожонов очди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз Хоразм элининг улуғ аждодларга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат анъаналарини муносиб давом эттириб келаётганини, мураккаб табиий шароитда ўз матонатини намоён этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришаётганини алоҳида таъкидлади. Буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этаётган, ёш авлодни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялаётган Хоразм аҳлининг фидокорона меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотини Хоразм вилояти ҳокимига топширди.

Тадбирда сўзга чиққан меҳнат фахрийси Йўлдош Ҳожиев, Зулфия мукофоти лауреати Малоҳат Рўзметова, «Хоразм-Нуртоп» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси раҳбари Пўлат Сафаров ва Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак вилоятнинг Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланиши бутун воҳа элини беҳад қувонтирганини таъкидлаб, бундай юксак эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Хива шаҳридаги «Хива-Карпет» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини бориб кўрди. Корхона маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорини топган. Германия, Франция, Швейцариядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 700 га яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона бир йилда 2,4 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Корхона цехларини айланиб, замонавий тўқув дастгоҳлари, гилам тўқиш жараёни билан танишган Юртбошимиз гиламларнинг замонавий, миллий шакл ва услубдаги янги нусхаларини яратиш, бунга ёш мусаввирларни кенг жалб этиш лозимлигини уқдирди.

(Давоми 2-бетда)

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Муҳтарам юртдошлар! Авваламбор, мен бугун қадимий ва бетакрор Хоразм заминига қадам қўйиб, сиз азиз юртдошларим билан дийдор кўришиб, сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, барчангизни бардам, яхши кайфиятларингизни кўриб, хурсанд бўлганимни билдирмоқчиман.

Ва сиз азизларга, сиз орқали бутун Хоразм аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Барчангизга маълум: истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Хоразм вилояти ўзининг буюк хизматлари учун, аввало, аждодларимизнинг тарихий ва маънавий анъаналарини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти - Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган эди.

Барчангизни, бутун Хоразм элини ана шу мукофот билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги воқеанинг яна бир муҳим томони шундаки, Ватан озодлиги йўлида мардона курашиб, жон фидо этган буюк аждодимиз, жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган бу орден Ўзбекистон тарихида илк марта топширилмоқда. Ва бу орденнинг биринчи бўлиб айнан Хоразм вилоятига берилишида теран маъно бор.

Мен бу юксак мукофотни авваламбор минг йиллик қадимий цивилизация бешигидан бўлган шу муқаддас заминга, дунёга Мусо Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замаҳшарий ва Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд ва Огаҳий сингари буюк зотларни берган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизнинг обрўсини оширишга ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Хоразм элига давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзи сифатида қабул қилишингизни истардим.

Албатта, бундай юксак мукофот фақат бир йиллик натижалар учун эмас, балки минг-минглаб одамларнинг кўп йиллар давомида юртни обод қилиш, эл фаровонлигини ошириш йўлидаги фидокорона меҳнати учун берилишини, ўйлайманки, барчангиз яхши тушунасиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Хоразм вилояти кейинги йилларда ҳавас қилса арзийдиган марраларни қўлга киритмоқда.

Саноат соҳасини оладиган бўлсак, бундай ютуқларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларда, янги-янги соҳалар ва корхоналар пайдо бўлишида - вилоятда шакардан тортиб мева шарбатигача, экспортбоп ип калавадан тортиб замонавий кийим-кечакларгача, машҳур Хива гиламларидан тортиб экскаваторгача, бир сўз билан айтганда, ички ва ташқи бозоримизда харидоргир бўлган турли маҳсулотлар тайёрланаётганида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда воҳада 27 та қўшма корхона ишлаб тургани, вилоят иқтисодиётига 161 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция киритилгани, биргина 2003 йилда 4 та янги қўшма корхона ташкил этилгани ҳам иқтисодиёт ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Ўзимизда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш ва шунинг ҳисобидан мамлакатимизга кўпроқ валюта маблағлари олиб келиш борасида ҳам вилоятда диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Жумладан, етиштирилган пахта ҳосилининг 15 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда.

Мана шу залда ўтирган мутахассис ва раҳбарлар яхши билади, илгари, собиқ шўро даврида бу кўрсаткич 3 фоиздан ошмас эди.

Кўриб турганингиздек, қисқа вақт ичида биз бу борада катта ютуққа эришдик, лекин фақат шу билан чекланиш бизга тўғри келмайди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм вилоятида яна бир замонавий тўқимачилик фабрикаси - «Бурсел-Боғот текстиль» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори бу соҳада келажакни ўйлаб, изчил иш олиб бораётганимиздан далолат беради.

Бўлғуси корхона йилига 5 минг 770 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Энг асосийси, ана шу маҳсулотнинг 80 фоизи чет элга экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки; 2004 йилнинг охирига бориб вилоятдаги пахта толасининг 30 фоизидан ортиғини шу ернинг ўзида қайта ишлашни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, кейинги йилларда рўй берган объектив қийинчиликларга қарамасдан, вилоят меҳнаткашлари ғалла ва шоли, пилла ва бошқа маҳсулотлар бўйича шартнома режаларини мунтазам бажариб келаётганини эътироф этишимиз лозим.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятининг энг оғир муаммоларидан бири - бу коммуникация масаласи экани сизларга яхши маълум. Бу ўта муҳим масалани ечиш мақсадида шу кунларда Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё устига замонавий кўприк қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Лойиҳа қиймати 25 миллиард 556 миллион сўмга тенг бўлган, нафақат Хоразм, балки бутун мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бу улкан иншоот ишга тушгач, бир вақтнинг ўзида Амударё узра поезд ҳамда автомобил қатнови йўлга қўйилади.

Бу эса, ўз навбатида, вилоятни иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг узоғини яқин қилиш учун янги имкониятлар очиб беради.

Мана шундай эзгу ишларни амалга оширишда Хива туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Бектурди Жуманиёзов, илғор фермерлар Гулмат Ҳайитметов, Машариф Қаландаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Болтабой Сапаев, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, электрпайвандчи Юсупбой Ўрозов, уста шоликор Қурбоной Узоқбоева, моҳир тикувчи Анабиби Собирова каби юзлаб заҳматкаш инсонларнинг хизматини барчамиз юксак қадрлаймиз.

(Давоми 2-бетда)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабр куни Оқсаройда Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Юрий Шевченкони қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан мамнуният изҳор этди.

Дарҳақиқат, бу йўналишдаги алоқалар кўлами анча кенг. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислоҳотларда Ўзбекистон ва Россия соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигининг ўрни ҳам салмоқли. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистондаги турли тиббиёт муассасалари, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари учун Россиядан умумий қиймати 3,5 миллион АҚШ долларига тенг ускуна ва жиҳозлар ҳамда 500 минг долларлик махсус автомобиллар келтирилди. 300 нафар ўзбекистонлик мутахассис Россияда қайта тайёрлов курсларини ўтаб келган бўлса, яна 250 нафар мутахассис малака ошириб қайтди.

Соғлиқни сақлаш вазирликлари муассасаларо алоқаларни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратмоқда. Ўзбекистоннинг академик В.Воҳидов номидаги Республика илмий жарроҳлик маркази билан Россиянинг А.Бакулев номидаги юрак-қон томир хирургияси илмий маркази ҳамда Россия тиббиёт фанлари академиясининг хирургия илмий маркази ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Айтиш жоизки, сиёсатдан холи бўлган соғлиқни сақлаш соҳаси фақат инсонларга хизмат қилишдек улуғ мақсадни назарда тутади. Учрашувда Президент Ислом Каримов шу жиҳатни алоҳида таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, кадрлар тайёрлаш, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, техникавий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИГА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон Фармонига мувофиқ республикада замонавий, юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган ташҳис қўйиш ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланган шошилинч тиббий ёрдамнинг яхлит тизими яратилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам хизматини, айниқса республика минтақаларида янада ривожлантириш, тизимда ишлаётган кадрларни рағбатлантиришни кучайтириш, замонавий, юқори технологияли ташҳис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналаридан малакали фойдаланишни ва уларга сервис хизмати кўрсатишни таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳозирги босқичининг устувор вазифаси ҳисоблансин.

Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантиришни амалий қўллаб-қувватлаш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳузурида бюджетдан ташқари шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Қуйидагилар:

давлат бюджети маблағлари, шу жумладан бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобига тежалган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг ҳомийлик маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига тушадиган ҳомийлик маблағлари солиққа тортилмайди.

2. Шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасининг ҳомийлик кенгаши тузилсин.

Ҳомийлик кенгашига қуйидаги вазифалар юклансин:

шошилинч тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш бўйича вазифаларни амалга оширишга бутун чоралар билан кўмаклашиш;

шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини оширишга, хизматнинг тиббиёт муҳандис-техник ва ёрдамчи ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга кўмаклашиш;

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Президент асарлари билимдонлари» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. У Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Маънавият ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ривожланган демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини яратиш бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Бундай мақсадга эришиш йўлида ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели республикамизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг миллати, тили, динидан қатъи назар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган, кишиларнинг фаровон турмуш тарзини таъминлашга хизмат қиладиган ислоҳотлар йўли экани нафақат мамлакатимиз халқи, балки дунёнинг кўпгина ривожланган давлатлари томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Юртбошимиз ўзининг барча асарларида бу хусусда тўхталиб, биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад олий неъмат - мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдан иборат эканлигини қайд этган. Шу боис давлатимиз раҳбарининг асарларини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш барча маънавият-маърифат масканлари муассасалари ходимларининг асосий бурчидир. Бунинг учун, аввало, уларнинг ўзлари Юртбошимиз асарларини яхши билишлари лозим.

Мазкур кўрик-танловнинг кутубхоначилар ўртасида ўтказилганлигининг боиси ҳам шунда. Унда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги «Оилавий мутолаа» кутубхонаси мудираси Дилфуза Норбобоева биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидан келган Дилноза Давлонова ҳамда уйчилик Нигора Қўчқоровага насиб этди. Қорақалпоғистонлик Гулбаҳор Сафарбоева, навоийлик Хонигул Нурмаматова ҳамда жиззахлик Шоира Эштоева учинчи ўрин соҳиби бўлди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Самарқанд, Сирдарё ва Навоий вилоятларида болалар ва оналарга кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда вояга етмаганларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг аҳволи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатимиз бўйича етти мингдан зиёд таълим муассасасида халқ таълими ҳамда мудофаа вазирликлари томонидан тасдиқланган дастур асосида 400 мингдан ортиқ ўқувчига чақириққача ёшларни тайёрлаш борасида сабоқ берилмоқда.

Икки минг нафардан зиёд ўқувчи ҳарбий билим юртларига қабул қилинган. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейлари ташкил қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, вояга етмаганлар билан ишлашда йўл қўйилаётган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига эътибор қаратилди, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА)

ҚУВОНЧБЕК ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ!

Яқинда энг ёш ўзбекистонлик профессионал боксчи Руслан Чагаев ўта оғир вазнда навбатдаги рейтинг жангини ўтказган эди. Германиянинг Гамбург шаҳридаги «Юниверсум» спорт мажмуида ўтказилган жангда Р.Чагаев бразилиялик Даниэль Франкни иккинчи раунддаёқ нокаутга учратиб, ғалаба қозонди.

Куни кеча яна бир ўзбекистонлик профессионал боксчи Кувончбек Тойгонбоев ҳам навбатдаги жангини ўтказди. Россияда Андрей Пестряев билан 10 раунд давом этган беллашувда ҳамюртимиз очколар ҳисобида ғалабага эришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

шошилинч тиббий ёрдамни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун манфаатдор давлат ва жамоат тузилмаларини, халқаро ташкилотларнинг, мамлакатимиздаги ва хорижий инвесторларнинг кенг жалб этилишини таъминлаш;

шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш.

4. 2004 йил 1 январдан бошлаб шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг, шу жумладан муҳандис-техник ходимларининг лавозим маошлари Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядини ошириш ҳисобига 15 фоизга оширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган икки ёки ундан кўп асослар бўйича маошларни ошириш ҳуқуқига эга бўлган бўлинмалар ва лавозимлар учун маошларни ошириш миқдори 30 фоиздан ошмаслиги керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2004 йил 1 январгача:

шошилинч тиббий ёрдам республика маркази ҳузурида юқори малакали муҳандис-мутахассислардан ноёб, юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича 20 кишидан иборат кўчма хизмат ташкил этсин;

сервис хизмати кўрсатиш муҳандис-техник ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи хорижий фирмаларда бевосита тажриба орттириши бўйича тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

шошилинч тиббий ёрдам республика марказидаги, вилоятлар ва туманлар филиалларидаги ҳамда сервис хизмати кўрсатилиши ва таъмирланиши керак бўлган тиббий асбоб-ускуналар ва техникалар рўйхатини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

юқори технологияли ташхис қўйиш ва тиббиёт асбоб-ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш учун масъул бўлган муҳандис-техник ходимлар лавозимлари рўйхатини;

шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимлари учун улар ишининг тезкорлик ва тиғизлик характерини ҳисобга олувчи штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб:

тиббиёт олий ўқув юртларининг даволаш факультетлари талабаларининг, тиббиёт коллежлари ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув юртлари ўқувчиларининг ўқув дастурига шошилинч тиббий ёрдам масалаларини мажбурий равишда чуқур ўрганишни киритсин;

«Шошилинч тиббий ёрдам» ихтисоси бўйича магистратура очишни назарда тутсин;

«Шошилинч тиббиёт врачи» мутахассисига нисбатан малака тавсифномалари ва талабларини ишлаб чиқсин ва уни врачлик ихтисослари классификаторига киритсин;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузурида шошилинч тиббий ёрдам кафедрасини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

шошилинч тиббий ёрдам республика марказига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 2003 йилда 50.0 миллион сўм ва 2004 йилда 150,0 миллион сўм ажратсин, бу маблағларни бюджетдан ташқари шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига мақсадли ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ҳар йили республика бюджетини шакллантиришда шошилинч тиббий ёрдам хизмати учун асбоб-ускуналар, анжомлар, тиббиёт буюмлари, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар харид қилиш харажатларининг алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилишини назарда тутсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда шошилинч тиббий ёрдам хизматининг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан уларни замонавий, юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги етакчи клиникалар ҳамда тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилар базасида тиббий ва муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 декабр

ВАТАН МУКОФОТИ – ХОРАЗМ ЭЛИГА ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Президент Ислом Каримовнинг Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги нутқи

(Боши 1-бетда)

Президент Ислом Каримов Урганч шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, аскарлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, ҳарбий жанговарлик тайёргарлиги билан қизиқди.

Шу йилнинг май ойида Хоразм вилоятида «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтганди. Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари тўлиқ қайта таъмирланган «Хоразм» спорт мажмуида ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари спорт мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди.

Урганч олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи «Умид ниҳоллари» республика ўйинларининг очилиши арафасида иш бошлаган эди. Салкам бир йил ичида беш минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, бокс ва кураш заллари, теннис кортлари, бадиий гимнастика маркази бунёд этилди. Бу ерда спортнинг 20 тури билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Бадиий гимнастика марказида бўлган давлатимиз раҳбари гимнастикачи қизларнинг кўргазмали чиқишларини томоша қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Темур ШАМАКОВ,
ЎзА махсус мухбирлари



Ўз ҳаёт тажрибамда кўрганман: бу халқ агар сени қабул қилса, бағрини, қалбини кенг очади, хурсандчилик кунларида ҳам, оғир синов пайтларида ҳам тоғдек елкадош бўлиб ёнингда туради. Энг муҳими, мардлик ва вафодорлик хусусиятларига ҳеч қачон хиёнат қилмайди.

Хоразм аҳлининг ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатини шу заминнинг улуғ шоирлари Феруз ва Огаҳий, Мунис ва Хоразмий қандай юксак пардаларда тараннум этганини барчангиз яхши биласиз.

Айниқса, буюк шоир ва авлиё Паҳлавон Маҳмуднинг «Мен учун Рум атласидан Хоразмнинг бир парча намати минг бора афзал» деган сатрлари, барча хоразмликларнинг қалбини ифода қилади, десам, янглишмаган бўламан.

Шу фикрларни умумлаштириб, мужассам қилиб айтсак, ҳаётга мана шундай қараш, мана шундай фалсафа билан яшайдиган халқ билан бирга бўлиш, унинг ишонч ва ҳурматини қозонишдан ортиқроқ бахт борми, айтинглар, азиз дўстлар?

Албатта, мен яхши тушунаман, бугун Хоразм аҳли бошдан кечираётган етишмовчилик ва қийинчиликларга барҳам бериш, авваламбор, экологик муаммоларни ҳал этиш, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Мен сизларни қийнаб келаётган бу муаммоларни доимо ўзимнинг елкамдаги оғир юк, деб биламан. Шу боис ҳамиша Хоразмнинг дарду ташвишлари билан, уларни бартараф этиш фикри билан яшайман.

Шунинг учун ҳам сизлар эришган ютуқларнинг лоақал бир қисмида менинг ҳам озгина ҳиссам бўлса, бундан қувонаман, уни худдики ўзимнинг ютуғим, деб ҳисоблайман.

Бу йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан, Хоразм учун нақадар оғир келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундан қандайдир ўксиниб юрган хоразмлик деҳқонларни бағримга босиб, айтмоқчиман: азизларим, қадрдонларим, хижолат бўлманг, ҳаёт бир йил билан якун топмайди.

Мен ишонаман, мана шундай ориятли халқ билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин. Пок ният билан қилган машаққатли меҳнатимиз ўз ҳосилини беражак, иншооллоҳ.

Ишончим комилки, шу кунларга эришиш учун бир ёқадан бош чиқариб, бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилишимиз кераклигини мана шу залда ўтирганлар ҳам, мени эшитаётган барча одамлар ҳам яхши тушунади ва шу даъватимни қўллаб-қувватлайди.

Шу борада ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, янги мавсумга пухта тайёргарлик кўришимиз, бунинг учун зарур ишларни уюшқоқлик билан бажаришимиз, аввало, ерни экишга тайёрлаш, ҳали ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, энг муҳими, одамларнинг руҳини кўтариш - бизнинг ҳозирги кундаги долзарб вазифамиз, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикримга қўшиласиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, бугунги унутилмас, тарихий воқеа нафақат Хоразм эли, балки бутун Ўзбекистон аҳлини эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида ғайрат-шижоат ва қатъият билан меҳнат қилишга даъват этади, халқимизнинг кучига куч, эртанги кунга бўлган ишончига ишонч қўшади.

Мен сизларни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор қутлаб эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қадим Хоразм замини дунё тургунча турсин, Хоразм эли ҳеч қачон кам бўлмасин!

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

«Ўзэкспомарказ»да анъанавий тўрт кунлик республика улгуржи савдо ярмаркаси очилди. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг умумий қиймати 210 миллиард сўмлик маҳсулоти намойиш этилмоқда.

Ярмаркани ўтказишдан кўзланган мақсад мулкчилик шаклидан қатъий назар маҳаллий истеъмолчилар билан 2004 йилга шартномалар тузишдир. Бу ерда кийим-кечак, пойабзал, матолар, гиламлар, чинни буюмлар, спорт товарлари ва бошқа кўплаб халқ истеъмоли молларини кўриш мумкин.

Ярмаркада «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акционерлик компанияларининг улгуржи корхоналари ҳамда мамлакатимиз фирма ва компаниялари, хусусий тадбиркорлар иштирок этмоқда.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент давлат юридик институтида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асоси» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш муаммолари, юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ролини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини янада юксалтириш борасида жойларда олиб борилаётган ишларни таҳлил ҳам фаоллаштириш лозимлиги таъкидланди.

(ЎзА)

ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ВА ШАХС

Конституциямизнинг асосий тамойиллари

Маълумки, Конституцияда жамият ривожланишининг асосий стратегияси, устувор йўналишлари, давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўзининг қонуний ифодасини топади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жамият сиёсий етуклигининг, турли ижтимоий-сиёсий кучлар муросага кела олишининг якуний маҳсулидир. Шу боис Асосий қонунга биноан Ўзбекистонда ҳокимият демократик асосларда ташкил этилади ва амалга оширилади. Зеро, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқдир. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ваколат берилган идоралар томонидангина амалга оширилади (7-модда).

Шунингдек, фуқаролик жамиятида муайян бир шахс ҳар доим ҳам давлат ва унинг идоралари билан бевосита муносабатга киришавермайди. Яъни фуқароларнинг турли-туман уюшмалари, ташкилотлар, жамоалар мавжуд бўладики, улар фуқароларнинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қиладилар, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш борасида давлат идоралари билан мулоқотга киришадилар. Масалан, ходим маъмурият ташаббуси билан ноқонуний тарзда ишдан бўшатилган ҳолларда, низо судда кўрилаётганда шу ходим аъзо бўлган касаба уюшмасининг юридик инспекцияси ўз мутахассиси вакилини судда иштирок этиш учун йўллайди. Касаба уюшмасининг юристи (адвокат билан бир қаторда) ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тикланишида саъй-ҳаракат кўрсатади.



Асосий қонунда давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда), давлат ўз фуқароларининг Конституция ва Қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади (44-модда), деган мазмундаги инсонни муҳофаза этувчи қатор қоидалар мавжуд. Конституциямизнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун очиқ-равшан шароитлар яратиш ўз ифодасини топган. Масалан, Шовот туман фуқаролик судида кўрилган бир иш жараёнида маълум бўлишича, шу туманда яшовчи бир фуқаро деярли 15 йил давомида ўзи экиб тарбия қилиб келаётган боғни хўжалик раҳбарлари ундан ўз билгичи билан тортиб олиб, ширкат хўжалиги бошқаруви ходимига бермоқчи бўлишади. Ҳуқуқи поймол бўлган фуқаро туман судига мурожаат қилганида ҳақиқатан ҳам даъвогар билан ширкат хўжалиги ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган муддат ўзгартирилиб, хўжалик раҳбарлари томонидан ноқонуний тарзда қарор чиқарилгани аниқланади. Текширув ва далиллар шуни кўрсатдики, ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳақиқатан ҳам ноқонуний тарзда оддий фуқародан боғни тортиб олмоқчи бўлишган. Суд даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги қарор чиқаради. Шубҳасиз, одилона чиқарилган қарор инсонпарварлик тамойилларига асосланган Конституциямиз ва қонунларимизда кўрсатилган моддалар билан изоҳлангани боис оддий фуқаронинг ҳуқуқи қайта тикланди.

(Давоми 3-бетда)

Президентга бошқа соҳалар бўйича ҳам ўсиш-ўзгариш, янгиланиш жараёнлари изчил давом этмоқда. Замонавий корхоналар, янги турагжойлар, равон йўллар ва кўприклар, мактаб, лицей ва коллежлар, шифохоналар, улуғ аждодларимиз номидаги боғлар, гўзал меҳмонхоналар барпо этилмоқда. Энг муҳими, одамларнинг ҳаётга муносабати, онги ва тафаккури ўзгармоқда. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Қадрли ватандошлар!

Юртимиздаги барча ўзгаришлар марказида инсон ва унинг манфаатлари тургани, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, авваламбор, инсон учун деган қараш бизнинг асосий мақсадимиз экани барчангизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу маънода, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш борасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Бу ҳақда гапирганда, узоққа бормай, мана шу Урганч шаҳрида ҳам яқин-яқингача тоза ичимлик суви масаласи оғир муаммо бўлиб келганини эслаш кифоя.

Биз бу масала устида вилоят ва тегишли республика ташкилотларининг раҳбарлари билан бирга бош қотириб, зарур маблағ ва имконият топиб, Туямўйин сув омборидан 148 километрлик сув тармоғини тортиб келганимиз, чет эллик ҳамкорлар иштирокида 36 километрлик янги сув тармоғини қурганимиз ана шу муаммони ечишда катта қадам бўлди.

Шулар қаторида Питнак шаҳрида сув тозалаш иншоотларини ва Капарас сув омборида юқори қувватли насос станцияси ишга туширилганини, Германиядан олинган кредит ҳисобидан вилоятдаги 6 та қишлоқда жаҳон талаблари асосида сув таъминоти йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бундай ижобий фикрларни аҳолини табиий газ билан таъминлаш масаласи бўйича ҳам айтиш мумкин. Сўнгги пайтда 600 километрдан зиёд газ тармоғи барпо этилгани, вилоят бўйича аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 90 фоиздан ошгани катта ютуқ, албатта.

Соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, бу ерда 106 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётгани, кейинги йилларда болалар шифохонаси, шошилинч тиббий ёрдам маркази ва онкология касалхонаси, Хива ва Ҳазорасп даги туғруқхоналар, Урганч ва Қўшкўпир юқумли касалликлар шифохонаси каби тиббиёт масканлари тубдан қайта таъмирланганини айтиб ўтиш лозим.

Айниқса, Урганч шаҳридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия марказида юракни тўхтатмасдан операция қилишдек мураккаб жараёнлар ҳам амалга оширилаётгани эътиборга молик.

Энг муҳими, бундай шифохоналар ҳар қандай касалликни ҳам тўғри аниқлаб берадиган замонавий диагностика ускуналари билан таъминланмоқда.

Ҳолбуки, яқин-яқингача беморлар бу масалада қийналиб, қанча вақтини йўқотиб, ортиқча маблағ сарфлаб, Тошкентга бориб келганини сизлар яхши биласиз.

Хоразм вилояти бу соҳада ана шундай жиддий натижаларга эришиб, айтиш мумкинки, шу минтақада ўзига хос тиббиёт марказига айланиб бормоқда.

Бугун биз одамлар дардига дармон бўлишдек савобли ишга катта ҳисса қўшиб келаётган тажрибали жарроҳлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Қаландар Бобожонов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Шокир Хўжаев, олий тоифали ҳамшира Гулчеҳра Раҳмонова, маҳалла шифокори, «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Турди Матназарова, болалар уйи ҳамшираси Нева Ким каби кўплаб медицина ходимларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бутун мамлакатимиз сингари Хоразм воҳасида ҳам ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Ва табиийки, бунда ўз ҳаётини таълим-тарбия соҳасига бағишлаган жонкуяр устоз-мураббийларимизнинг хизматлари беқиёс.

Ҳозирги пайтда вилоятдаги мавжуд 536 та мактабда 29 мингдан зиёд ўқитувчи қарийб 350 минг ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда.

Кейинги йилларда 20 та янги мактаб барпо этилгани, 168 та мактаб эса тубдан таъмирланиб, қайта жиҳозланган таълим соҳасида салмоқли ишлар қилинаётганидан далолат беради.

Бу ислоҳотларнинг муҳим бир йўналиши бўлган касб-ҳунар таълимига жиддий аҳамият берилаётгани туфайли охирги йилларда 35 та касб-ҳунар коллежи барпо этилиб, уларнинг умумий сони 56 тага етди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида қарийб 11 минг хоразмлик йигит-қиз таълим олаётгани, вилоятда 600 га яқин профессор-ўқитувчи, жумладан, 26 та фан доктори ва 166 та фан номзоди ёшларга сабоқ бераётгани ҳам Хоразмнинг илмий-маърифий салоҳияти юксак эканини кўрсатади.

Юртимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадалари ва кўрик-танловлар, спорт беллашувларида воҳа фарзандлари ўзининг чуқур билими, истеъдоди ва маҳоратини намоён этиб, ҳамиша юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Урганч давлат университетининг талабалари, Президент стипендияси соҳиблари Насиба Собирова ва Исоқжон Исмоилов, Зулфия мукофоти совриндорлари Мўътабар Рўзметова ва Муножот Абдуллаева сингари воҳанинг эртанги истиқболини белгилаб берадиган юзлаб ёшлар билан бутун вилоят аҳли фахрланади.

Ана шундай истеъдодли ўғил-қизларни тарбиялаб, камолга етказаётган хоразмлик устоз-мураббийлардан 25 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», яна 24 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» деган шарафли унвонга, кўплаб муаллимлар эса Ватанимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлгани қувонарли, албатта.

Шундай жонкуяр юртдошларимиз қаторида Хива туманидаги 20-меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак, Ўзбекистон халқ ўқитувчилари Раҳмон Саъдуллаев ва Мунаввара Раҳмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари Тангриберган Полвонов ва Олим Қувоқов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Тафкил Латипов, «Шуҳрат» медали соҳибаси Шакар Аминова каби устоз-мураббийларга, вилоятдаги барча маориф ходимларига ташаккур айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Эл-юрт манфаатини ўйлаб яшаш, муҳтожларга беғараз ва беминнат ёрдам бериш, меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш каби халқимизга хос азалий фазилатларни давом эттириб, ўз ҳисобидан замонавий мактаблар, касалхона ва гузарлар, спорт майдончалари барпо этишдек хайрли ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган барча инсонларга бугун самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

Шулар қаторида Гурлан туманидан Эриммат ва Ёриммат Содиқовларга, Қўшкўпир туманидан Нураддин Нуриллаев, Шовот туманидан Бозорбой Оқмонов каби кўплаб тадбиркор ва ишбилармонларга умрингиздан барака топинг, кам бўлманг, деймиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Кейинги йилларда биз барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Хоразм воҳасида ҳам қадимий меросимиз, замонлар синовидан ўтиб келаётган миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлашга, бойитишга катта эътибор бермоқдамиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк маънавий обидамиз - «Авесто» китобининг 2700 йиллиги, Хиванинг 2500 йиллиги, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантаналарни эслаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.

Айниқса, ўрта асрларда Шарқ оламининг йирик илм-фан маркази сифатида эътироф этилган Хоразм Маъмун академиясини қайтадан тиклаб, уни замонавий асосда ташкил этганимиз маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен сизларга бир хушхабарни етказмоқчиман. Хоразм Маъмун академиясининг миллий ва умумбашарий цивилизация тараққиётидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, биз унинг минг йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида тегишли халқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб бордик.

Ва ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижасида ЮНЕСКО ташкилоти Бош конференциясининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 32-сессиясида Маъмун академиясининг минг йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Биз яқинда бу масала юзасидан ўзимизнинг ҳам ҳукумат қароримизни қабул қилиб, насиб этса, 2005 йилда ушбу санани сизларнинг иштирокингизда катта байрам сифатида кенг нишонлаймиз.

Азиз дўстлар!

Хоразм замини қадим-қадимдан кураги ерга тегмаган мард ва баҳодир паҳлавонлар юрти сифатида маълум ва машҳурдир.

Кейинги пайтда вилоятда оммавий спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга айниқса катта эътибор берилмоқда.

Бу борада қисқа муддатда жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган Олимпия заҳиралари коллежи қуриб ишга туширилгани, 15 минг томошабинга мўлжалланган «Хоразм» спорт мажмуаси халқаро андозалар асосида тубдан қайта қурилгани, вилоятдаги мавжуд спорт залларининг барчаси таъмирдан чиқарилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ана шундай замонавий спорт инфратузилмасига эга бўлгани учун ҳам мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бу йил Хоразм вилоятида юксак савияда ўтказилганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Фарзандларимизнинг келажаги ва камолотини ўйлаб қилаётган бундай ишларимиз ўз ижобий самарасини беради, албатта.

Самбо ва оғир атлетика бўйича Осиё чемпионлари Алишер Йўлдошев ва Улуғбек Маҳмудов, бокс бўйича жаҳон биринчилиги совриндорлари Алишер Матниёзов ва Отабек Бобожонов, кураш ва дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионлари Рустам Юсупов ва Тамара Югай каби ўнлаб спортчи ёшларнинг қўлга киритаётган юксак натижалари бу ҳақиқатни исботлаб турибди.

Муҳтарам юртдошлар!

Агар мендан, Хоразм аҳли аввало қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен лўнда қилиб, «Ғурури билан» деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳақиқатан ҳам, бу юрт фарзандларининг ғурури баланд. Мен ғурури баланд деганда гердайишни эмас, балки, ўз юрти, ўз тупроғи билан фахрланишни тушунаман.

Ғурури баланд деганда мен бу замин одамларининг, агарки тоғ-тоғ олтин ваъда қилса ҳам, ўз туғилган ерини ҳеч қачон бошқа жойга алишмаслигини, ота-боболарим, аждодларимнинг ҳоки ётган шу юрт шон-шуҳратига ўз ҳиссамни қўшаман, деган эътиқод билан яшашини тушунаман.

Эҳтимол, вилоят аҳлининг асл табиатидан бехабар бўлган одам, ахир, бу ер Швейцария ёки Греция бўлмаса, бир қарашда эътиборни тортмайдиган бу жойларни булар нега бунчалик жон-дилидан севади, нега бунча улуғлайди, деб ҳайрон қолиши мумкин.

Аслида, одамзотнинг она бағрида дунёга келиши қандай мўъжиза бўлса, унинг қалбидаги Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам ана шундай илоҳий мўъжизадир. Ва кимдаким шу мўъжизани ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлса, Хоразмга келиб, бу замин одамларининг ҳаётига, меҳнатига назар солсин.

Кўнглимдаги бир гапни сизларга очиқ айтсам, мен Хоразм элини мана шундай олижаноб фазилатлари учун севаман ва ҳурмат қиламан.

ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ВА ШАХС

Конституциямизнинг асосий тамойиллари

(Боши 2-бетда)

Булардан ташқари, Қомусимизнинг чуқур ахлоқий хусусиятга эга бўлган қоидалар ҳам бор. Уларга биноан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир (46-модда), вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир (45-модда), оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади (63-модда), шунингдек, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради (64-модда, II қисм). Мазкур моддалар мазмунида халқимизнинг бой маънавий ички дунёси, саховати ва қадимий маданияти акс этган. Жумладан, маҳалла қўмитаси, болалар уйлари, нуронийлар маскани ҳамда қатор ташкилотлар мавжудки, улар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож инсонлардан ўз саховатини аямайди. Инсоннинг ажралмас табиий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳам Конституциямизнинг асосий хусусиятларидан биридир. Жумладан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ҳаётий ҳуқуқи эканлиги қайд этилган. Зеро, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ҳар бир фуқаронинг шахсий дахлсизлиги кафолатланиши, унинг айбсизлик презумцияси ҳуқуқидан фойдаланиши Бош Қомусимизнинг ниҳоятда демократиклигидан далолат беради. Айни вақтда, у қонунчилигимиздаги янги инсонпарварлик принципидир. Бунинг моҳияти шундаки, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор деб ҳисобланмайди (25 ва 26-моддалар).

Маълумки, фуқаролик жамияти иқтисодий жиҳатдан хусусий мулкчиликка таянади. Конституция хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан қўриқланишини ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Фақат хусусий мулкка эга бўлган шахсгина ўзини мустақил ва эркин ҳис этиши мумкин. Мулкий жиҳатдан мустақил бўлган инсон давлат идоралари билан тенг ҳуқуқий муносабатга кириша олади, зарур ҳолларда судда ўз мулки юзасидан мажбуриятлар ўтай олиши мумкин.

Сўнгги йилларда Конституциянинг хусусий мулкчиликка, бозор иқтисодиёти инфраструктурасига оид ғоялари ва қоидаларини ривожлантириш, уларни ҳаётга жорий этишга қаратилган қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Уй-жойни хусусийлаштириш», «Хорижий инвестицияларнинг кафолатлари», «Деҳқон хўжалиги», «Фермер хўжалиги», «Ташқи иқтисодий фаолият», «Қимматли қоғозлар» тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Айтиш жоизки, Конституция мамлакатимизда кенг қамровли ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг, янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг қудратли пойдевори сифатида ҳам майдонга чиқди.

Шунингдек, асосий қонунимиз чинакам демократиянинг асл мазмунини тўлатўкис акс эттириб, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни оқилона уйғунлаштирмоқда. У янги ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, уларни самарали ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантиришнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни кунларда Конституция мамлакатимизда тинчлик, тотувлик ва ижтимоий–сиёсий ҳаётдаги барқарорликни мустаҳкамлашда, туб ислоҳотларни муваффақиятли олиб боришда кенг имкониятлар гарови бўлмоқда. Юртимизнинг мана шундай Конституция асосида вужудга келган оқилона сиёсати туфайли халқаро майдонда обрў-эътибори мустаҳкамланиб, хорижий давлатларнинг ва халқларнинг Ўзбекистон давлатига, халқига бўлган ишончи тобора юқори савияга кўтарилмоқда. Шубҳасиз юқоридаги ҳолатларнинг барчаси Бош Қомусимизда фуқаролик жамиятига бўлган эътиборнинг юксак даражада эканлигидан далолат беради.

Х.ОДИЛҚОРИЕВ

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Асосий Қомусимиз Ўзбекистон Конституциясининг туб моҳияти, мақсадлари замирида халқ, миллат, фуқаролар манфаати ётади. Унда инсон эркинлиги, жамият ва шахснинг ҳуқуқий меъёрий қоидалари ўз аксини топган. Халқимиз маънавияти дурдоналари ҳисобланмиш «Авесто», «Қутадғу билиг», «Темур тузуклари» каби ўнлаб асарларда жамиятдаги қонун-қоидалар, давлатчилик тамойиллари ўз аксини топган.

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, МУЛККА ЭГАЛИК ҲИССИ

Бу ҳақиқатни Ўзбекистон Конституциясининг муқаддимасида қайд этилган «Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб», деган сўзлардан ҳам англаб оламиз. Ўзбекистон Бош Қомуси нафақат қонунлар мажмуаси, балки ягона ғоя, маънавият, миллий ғурур, Ватанни севиш каби мантиқ билан йўғрилган демократик ҳужжат, мустақиллик маҳсулидир. Унда кўрсатилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш, шунингдек, ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эга эканлиги, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланиши, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилган. Хуллас, адолатпарвар жамиятимизнинг Асосий Қонунида ҳар бир фуқаронинг манфаатлари кафолатланган. Давлатимиз барчага ғамхўр, меҳрибон, айниқса, нуронийлар ва ногиронлар ҳамиша эл-юрт ардоғида, уларнинг ҳаётий манфаатлари эса биринчи даражали масаладир. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларининг устувор ҳимоячиси ҳисобланган, энг оммавий ташкилот - касаба уюшмалари ҳам меҳнат аҳлининг Конституциямизда белгиланган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялайди ва касаба уюшма аъзоларининг саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилишни фаолиятининг бош мезони деб ҳисоблайди. Зеро, Бош Қомусимизда ҳам касаба уюшмалари зиммасига «ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар», деган шарафли, шу билан бирга масъулиятли вазифа юклатилган. Қонунда белгиланган меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва Меҳнат Кодексида мустаҳкамланган меъёрий шерикчилик тамойиллари тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида ўз аксини топмоқда. Бундай меъёрий ҳужжатлар қонун йўли билан кафолатланган ҳуқуқий дастур бўлиб, у ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солади ва уларнинг моддий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга кўмаклашади. Шунингдек, келишув ва шартномаларда ҳар бир тармоқ, корхона ва ташкилот тараққиётига, меҳнат жамоаларининг манфаатларига хизмат қилувчи мажбуриятлар кафолатланади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда агросаноат тизимига қарашли бошқарма, қўмита, уюшма, корпорация, компания ва инспекциялар билан тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларини тузган. Жорий йилда касаба уюшма хизматида турган 72 минг 978 юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот, муассасалардан 53 минг 795 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали 2 миллион 700 минг нафарга яқин меҳнаткашлар манфаатлари қамраб олинган.

Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида Президентимиз Фармонлари ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш, ишсизликнинг олдини олиш, меҳнат бозорини бошқариш, аҳолини иш билан таъминлаш, шунингдек, меҳнат ва дам олиш масалалари, меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақи тўловларини тартибга солиш, ходимлар малакасини ошириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, хусусийлаштириш жараёнида ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оиласи, фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан тармоқдаги 4 минг 545 та корхонада 58 минг 700 нафардан ортиқ меҳнат фахрийларига 443 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Шундан 50 миллион сўмдан ортиғи бевосита тармоқ касаба уюшма маблағлари ҳисобидан эканлиги қувончли ҳолдир. Шунингдек, байрам саналари муносабати билан ўтказилган тадбирларда 19,4 миллион сўм, 1047 нафар якка-ёлғиз қарияларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун 31 миллион 204 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари, ташкилот ва корхоналарда фаолият кўрсатаётган 13 мингдан ортиқ пенсионерларга 114 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам уюштирилди. Корхона ва ташкилотларда кўп йиллик меҳнатлари учун фахрийларга рағбатлантириш тўловлари ва уларнинг юбилей саналари муносабати билан совға-саломлар улашилди.

Ишсизликнинг олдини олиш, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат бозорини ҳимоя қилиш ниятида 28 минг 300 нафардан ортиқ киши квота бўйича ишга жойлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили жамоа шартномаси мажбуриятларини бажариш учун тармоқ Марказий қўмитамиз ҳар бир касаба уюшма аъзосига 35 минг 500 сўм сарфлади. Бошқача қилиб айтганда, аъзолик бадалига нисбатан касаба уюшма аъзоси 37,9 баробар кўп миқдорда бевосита ва билвосита даромад ва манфаат кўрди.

Республика бўйича барча мулкчилик шаклларига мансуб корхона, ташкилот, муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларига 636 мингдан ортиқ тадбирлар киритилган бўлиб, бу олдинги йилга нисбатан 216 фоиз кўпдир. Келишув ва жамоа шартномаларига киритилган тадбирларнинг асосан бажарилишига эришдик. Ўз навбатида тегишли тармоқлар ва хўжалик органлари билан ҳамкорликда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва рағбатлантирувчи ролини кучайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Шунга қарамай меҳнат ва унга ҳақ тўлашга оид қонуний ҳуқуқларни таъминлашда муаммолар кўзга ташланмоқда. Айрим корхона ва ширкат хўжаликларининг жамоа шартномаларида Меҳнат Кодексига зид равишда иш ҳақини ойда бир марта тўлаш ёки натура шаклида бериш мажбуриятлари қабул қилинган, бир қатор вилоятларда эса иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликка йўл қўйилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятларида камчиликлар юзага келган. Бу борада тегишли чора-табирлар дастури ишлаб чиқилиб, Марказий қўмита раёсатининг мажлисларида иш берувчилар вакиллари иштирокида муҳокама этилди ва уларнинг ижроси назоратга олинди. Чунончи Термиз тумани «Дўстлик» ширкат хўжалигида кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори, иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътилни меҳнат стажига қўшиш, тўлиқ моддий жавобгарлик каби масалалар жамоа келишувларига киритилмаган. Шунингдек, Андижон вилоятидаги «Қўрғонтепадон-маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг жамоа шартномасида Меҳнат Кодексига зид ҳолда ходимнинг айби билан қисман яроқсиз маҳсулот учун ҳақ тўлаш назарда тутилмаган. Бу каби муаммолар мутахассисларимиз томонидан ўз вақтида аниқланди. Тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоя қилинди.

Юртимиз бойлиги, иқтисодиётимиз таянчи саналмиш «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда ҳам тармоқ касаба уюшмаларининг хизмати алоҳида. Бу борада Сурхондарё, Бухоро вилоятларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Шофиркон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорлигидаги фаолияти республикада оммалаштиришга арзийдиган эзгу ишдир. Хўжаликда олинган соф фойданинг 40 фоизи дивидент сифатида пудратчиларга улашилади. Бундан ташқари, пахта ва дон етиштиришда сув танқислиги ва бошқа сабаблар билан режани бажара олмаган оилавий пудратчилар йилни зарар билан якунлаганларида хўжалик бошқаруви ва касабақўм қарори билан келтирилган зарарнинг маълум фоизи камайтирилиб, хўжалик аъзоларининг манфаатлари ҳимоя қилинади. Ана шундай амалий ёрдам, ишонч ва қўллаб-қувватлаш натижасида, деҳқонлар дунёқарашида, ерга муносабатида ижобий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, улар қалбида қонунларга ҳурмат, мулкка эгалик туйғуси жўш уриб, умумхалқ иши учун фидойилик кучайган. Бу эса хайрли ташаббусларга йўл очди. Хўжалик пахтакорлари республикада биринчилар қатори режани бажардилар. Ҳар беш кунда теримчиларга иш ҳақи даланинг ўзида тарқатилди. Бундан ташқари, 195 нафар пудратчи ўртасида мусобақа уюштирилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ғалабалар замирида моддий манфаатдорлик билан бирга илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳам асос бўлди, десак асло хато бўлмайди. Хўжалик пахтакорларининг ютуқлари Марказий қўмитамиз томонидан муносиб тақдирланди. Инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотида спортнинг ўрни беқиёс. Шу ниятда жамоа шартномаларида оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, катта умид билан улғаяётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, турли спорт мусобақаларини уюштириш орқали аҳолини соғломлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш каби ўнлаб масалалар киритилган. Уларнинг ижросини таъминлаш учун алоҳида дастур ишлаб чиққанмиз. Шу йилнинг май ойида тармоқ қўмиталари ўртасида спортнинг беш тури бўйича «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди. Ушбу тадбир учун 6,2 миллион сўм маблағ ажратилди. Спартакиадада тармоқ қўмитамиз спортчилари биринчи ўринни қўлга киритдилар. Бу ўз навбатида қўмитамизда спортга алоҳида эътибор берилаётганлигининг ёрқин намунасидир.

Ёшлар мамлакатимиз истиқболининг таянчидир. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, билим олишлари, саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам тармоқ келишув ва жамоа шартномаларида акс этган. Ёшларни Ватанга муҳаббат, буюк аждодлар меросига ҳурмат, шу билан бирга билимдон ва зукко кадрлар қилиб тарбиялаш ниятида тармоққа қарашли билим масканларида турли тадбирлар уюштирилмоқда. Аълочи, жамоатчи талабаларга Марказий қўмитанинг махсус стипендиялари берилмоқда. Жорий йилда ана шу эзгу мақсад учун 520 минг сўм маблағ сарфланди. Андижон пахтачилик институти ва Тошкент аграр институти талабалари бундай имтиёзлардан бахраманд бўлдилар. Бундан ташқари, Тошкент туманидаги 1-мактаб ўқувчиларига 400 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Марказий қўмитамиз касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ниятида мутахассис юристлар иштирокида давра суҳбатлари, турли кечалар уюштирмоқдалар. Бундай тадбирлар эса касаба уюшмалари нуфузини ошириши билан бирга халқ ўртасида унинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини оширмоқда. Бу ишда, айниқса, мутахассис ва ҳуқуқшуносларимиз намуна кўрсатмоқдалар. Хуллас, тармоқ қўмитамизда меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, ходимларнинг ташаббус ва интилишларини рағбатлантиришда Конституция талабларига риоя этишни ўз ишимизнинг бош мезони деб биламиз. Шу боис ҳузуримизга ёрдам сўраб умид билан келган ҳар бир касаба уюшма аъзоларининг дардига малҳам бўлишни, мушкулини осон қилишни жонажон ишимиз деб биламиз. Шу ўринда бир ҳаётий мисол. Самарқанд вилояти Пахтачи тумани «Зиёвуддин толаси» акциядорлик жамиятида ишлаган Ш.Сулаймонова ва бир гуруҳ ходимлардан ноҳақ ишдан бўшатилганликлари ҳақида Марказий қўмитамизга шикоят аризаси келиб тушди. Шикоят юзасидан текширилганда Меҳнат Кодексининг бир қатор талаблари бузилган ва 92 нафар ишчи ноҳақ ишдан бўшатилганлиги аниқланди. Касаба уюшма аъзоларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари Марказий қўмита аралашуви билан ҳимоя қилиниб, уларнинг барчаси севимли касбига қайта тикланди.

Ҳа, халқимиз ҳамма нарсага чидаши мумкин, фақат, адолатсизликка, ҳақсизликка чидамайди. Адолатни устувор тамойилга айлантириш эса ўз қўлимизда. Бунинг учун Бош Қомусимиз ва қонунларимизда кафолатланган ҳақ-ҳуқуқларимизни билайлик ва унга ҳамиша амал қилиб яшайлик.

Шамсиддин ЭСОНБОЕВ,
Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси

СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Оқолтин туманидаги «Сардоба» пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари уюшқоқлик билан фаолият юритишяпти.

– Корхонадаги пахтани қайта ишлаш технологиясининг аксарият дастгоҳ ва агрегатлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида таъмирлангани боис ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори кўпайиб, сифатини ҳам яхшилашга эришилди, – дейди корхона раҳбари Наҳанбой Умрузоқов. – Шу туфайли корхона экспорт салоҳияти ортмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига жиддий эътиибор берилаётир. Хусусан, байрамларда моддий ёрдам, ёғ, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархда бериб борилмоқда.

Бу борада корхона қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик қўл келмоқда. Шунингдек, у ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишида муҳим омил бўлмоқда.

САВОБГА НИМА ЕТСИН

Мамлакатимиз аҳли куни кеча рамазон ҳайитини нишонлади. Бир-бирини айём билан қутлаган юртдошларимиз беморлар, қариялар ҳолидан хабар олиб, муҳтож кишиларга мурувват кўрсатди.

- Савобталаблик, бағрикенглик, меҳр-оқибат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, - дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Фахриддин Фазлиев. — Юртбошимиз савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилмоғи лозим, деб бежиз айтмаган. Бошқармамиз ҳам бу борада қатор ишларни амалга оширяпти. Айниқса, боқувчисини йўқотган қариялар, ногиронлар ва кўнгли ярим болакайлар ҳолидан хабар олишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Йилнинг ўтган даврида 134 кишига ногиронлар аравачаси, тўқсон уч кишига эшитиш мосламаси, 139 нафарига қўлтиқтаёқ етказиб берилди.

Вилоятда Халқаро ногиронлар куни муносабати билан хайрия марафони ўтказилди ва тушган маблағ ногиронларга дори-дармон ва бошқа зарурий воситалар сотиб олишга йўналтирилмоқда.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

Хонқа туманида халқ саломатлигини сақлашда намунали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир бу ерда замонавий марказий шифохона, туғруқ комплекси, болалар, юқумли касалликлар шифохоналари, 12 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Марказий шифохона қошида тез ва шошилинч ёрдам марказининг қисқа фурсатда қурилиб фойдаланишга топширилиши хонқаликларга кўрсатилган қулайликлардан бири бўлди.

Шуниси характерлики, бу ерда мустақиллик йилларида 4 та ҚВП тамомила янгидан бунёд этилди. Аложа, Томадирчадик, Мадир, Саропоён аҳоли пунктларидаги фельдшерлик акушерлик масканлари Олтин соҳил, Ал Хоразмий ширкат хўжаликлари ёрдами билан ҚВПларга айлантирилди. Бу масканларда 11 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

«Ишонч» ва ЎзА мухбирлари

Бахмал азалдан халқимизнинг миллий матоси ҳисобланган. Ўзбекнинг бирон тўйи йўқки, ундан фойдаланилмаса. Айниқса, бу майин ва сержило мато келинчак сарпосининг кўрки ҳисобланади.

Самарқанддаги «Бахмал» Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси жамоаси халқимизнинг ана шу матога бўлган эҳтиёжини қондириш борасида тинимсиз изланишда.

Суратларда: (чапдан) калаваловчи Қубарро Иброҳимова; тўқув цехида; уста ёрдамчиси Мухтор Муродов.

ИНСОН ҚИЁФАСИДАГИ БЎРИЛАР

Суд очерки

Инсоннинг энг буюк ва дахлсиз ҳуқуқи – яшамоқ ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ унга табиат томонидан инъом этилган. «Инсонни ушбу ҳуқуқдан маҳрум этиш ҳуқуқи» деган жумла дастлаб ўта шафқатсиз, ҳатто, ғайритабиий туюлиши мумкин. Бирок ҳаёт ўз номи билан ҳаёт, ўзининг гўзаллиги, жозибаси билан у беқиёсдир. Арзимаган пул учун аёвсиз қонхўрлик қилган, қотилликни энг осон юмушни бажараётгандек, қилт этмасдан содир этган тубан кимсалар ҳақида эшитганингизда эса бундай ёвузликка, ҳатто олий жазо ҳам камлик қиладигандек бўлавераді.

Ҳа, олий жазога ҳукм қилинган Садриддиннинг «иш»и билан танишар эканмиз, (баъзи сабабларга кўра исмлар ўзгартириб берилмоқда) кўнгилда бир ўкинч пайдо бўлади. Наҳот, инсон боласи шунчалик қонхўрлик, ваҳшийликка қодир бўлса...

Аввал ҳам қотиллик қилиб, узоқ муддат панжара ортида «дам олиб» қайтган Садриддин қилган ҳатосини тушуниб, хулоса чиқариш ўрнига, энди ўзини «Супермен» деб ҳис қила бошлади. Кўр-кўрни қоронғида топади, деганларидек қўшниси Қаҳрамон исмли йигит билан тезда топиша қолди. Ҳали ёш бўлишига қарамай ўғрилик, талончилик қилганлиги сабабли икки маротаба қамалиб чиқишга улгурган Қаҳрамонга янги шериги, яъни «устози» жуда маъқул тушди. Икки қўшни ёвузликда бир-биридан қолишмас, одамийлик қиёфасини йўқотиб, ваҳшийликка ўтиб олишган эди.

Бекордан худо безор, деганларидек бу нобакорлар ичиш, чекиш, маишатбозлик қилиш учун зарур бўлган пулни қандай топиш ҳақида узоқ ўйлаб ҳам ўтиришмади. Бировларнинг йўлини тўсиш, қўрқитиш, талончилик қилиш уларнинг кундалик юмушига айланди. Негаки, бу ишда «устоз»нинг ҳам, «шогирд»нинг ҳам тажрибаси етарли эди. Шундай кунларнинг бирида ароқ ичиб, янги режалар тузиб ўтирган босқинчиларнинг миясига ярқ этиб, яна бир фикр келди. Яқинда онасидан қолган уйни пуллаган Серёжа хонадонига бостириб кириш иккаласига ҳам маъқул келди. «Бўри»лар тун қоронғисида йўлга тушишди. Меҳмондорчиликка келган бўлиб кўриниш мақсадида дўкондан ароқ олишни ҳам унутишмади. Эшикни қоқишганда, ичкаридан Серёжа чиқиб келди. Кутилмаган меҳмонларни кўриб, талмовсираб қолган мезбонга Садриддин гап қотди. Нега ичкарига таклиф қилмаяпсан, ахир биз меҳмон бўлиб келдик. Шундан сўнг Серёжа ноилож уларни ичкарига таклиф қилди. Уйда Сергей, Андрей, Элмиралар ҳам ичишиб ўтиришган экан. Давра янада кенгайди. Ичкиликбозлик авжига чиқди. Улфатлар анчагина маст бўлиб қолишди. Худди шуни кутиб турган «шотирлар» эса ишга киришди. Ҳовлида жигар қутилмаслигига кўзи етиб, дағ-дағ қалтиради. Сергей шу пайтнинг ўзидаёқ жон берди. «Супермен» энди уй эгасига ташланди, унинг бўғзига пичоқ тираб, «Ҳозироқ уйнинг пулини бир тийин ҳам қолдирмай чиқар, акс ҳолда дўстингнинг орқасидан сени ҳам нариги дунёга равона қиламан, деб дағдаға қилди. Ҳали уйнинг пулини тўлиқ олмаганлигини, ҳозир борича беришини айтиб, чўнтагидан пулларни чиқарган «хўжайин» тирик қолишни ҳам умид қилгандир, балки. Афсуски, кўзи қонга тўлган Садриддин унинг ҳам қорнига аёвсиз пичоқ санчди. Бу пайтда уни-буни баҳона қилиб Андрейни тинчитиш учун бирон баҳона излаб турган Қаҳрамон арзимаган гап билан жанжал чиқарди. Шунда ҳовли девори четида турган қандайдир темир бўлагини олиб, қозонга энгашаётган Андрейнинг бўйнига 3-4 марта урди. Андрей хушсиз йиқилди. Жазавага тушган Қаҳрамон уни аёвсиз тепқовираётган Андрейга «ёрдамлашиб», атрофни олазарак кузатиб турган Қаҳрамон Элмирани ҳам гап билан чалғитиб турар эди. Ичавериб, маст бўлиб қолган Сергей «меҳмон»нинг кутилмаган ажабтовур хатти-ҳаракатидан довдираб қолди. Шу пайт Сергей қорнига бир неча бор санчилган пичоқ зарбини англашга ҳам улгуролмай қолди. Мастликдан зўрға оёқда турган Серёжа бу қонхўрдан омон қолиб, ўзидаёқ жон берди. Рангида қон қолмаган Элмира қўли қонга ботган Қаҳрамоннинг важоҳатидан қўрқиб тўхтади. Акс ҳолда шерикларининг куни бошига тушиши тайин эди. Ҳамма ишни тинчитган «супермен» уй ичидаги барча жойни титиб чиқди, шкаф тортмасидан яна пича пул ҳам топилди. Шундан сўнггина ўзлари билан олиб келган бензинни сепиб, уйга ўт қўйди-да, Элмирани олиб жуфтакни ростлашди. Кўчага чиққач эса қайси томонга юришни ўйлабўйлаб Иринанинг уйига боришга қарор қилишди. «Коркулдюк» канали устидаги кўприкдан ўтаётганда эса Садриддин бизга тирик гувоҳ керак эмас, деб Элмиранинг бўйнига пичоқ тортди. Элмира додлаганда улардан олдинроқда кетаётган Қаҳрамон югуриб келиб, Садриддинни қўлидан тутиб, тўхтатиб қолди. Пичоқ яхши тегмаганлиги учун қизнинг бўйнини жароҳатлади, холос. Негадир «ақли» ишлаб кетган Қаҳрамон энди уларни муросага келтирган бўлди-да, дўкондан сигарет ва яна бир неча шиша ароқ олиб шерикларини Иринанинг уйига бошлаб кетди. Ирина бевақт келган меҳмонларни хушламайгина кутиб олди. Эски қадрдонларнинг усти-боши қонли кўринишидан кўнгли безовта бўлди. Лекин, меҳмонлар ҳеч нарсани билдирмасликка ҳаракат қилди. Учаласи ҳам бўлиб ўтган воқеалардан оғиз очишмади. Базм давом этди. Ичиш, чекиш деганларидай. Тўртталаси анча вақт ўтиришди. Бир маҳал Элмира дугонасини балконга чақириб олиб, нималардир айтгач, Ирина «кел, эртага яхшиси ИИБга хабар берамиз», деб турган пайтда гапларини эшитиб қолган Садриддин ўшқириб, «ҳали сенлар мени тутиб бермоқчимисанлар дея иккаласини ҳам калтаклаб кетди. Эрталаб эса иккаласининг устидан қулфлаб, ўзлари айланиб келишга жўнашди. Серёжанинг уйида тўнлари қолиб кетганлиги сабабли, бозордан янги тўн сотиб олишди. Кейин Тошкентга кетишни ихтиёр қилишди, бироқ, ҳали тирик гувоҳлар борлиги ёдига тушгач, «иш» охирига етказилмагунча кетолмасликларини англашди. Шунинг учун дўкондан яна ароқ, сигарет яна майда-чуйда олиб, Иринанинг уйига қайтишди ва иккала аёл билан яна ичишиб ўтиришди. Ўртада нимадир гап ўтди-ю, Ирина «мен сенларнинг ҳамма сирларингни биламан, эртагаёқ милицияга хабар қиламан, турмада чирийсанлар» деб бақирди. Кўзи хонасидан чиққудек ғазабланган «Супермен» стол устидаги пичоқни олиб, аёлнинг қорнига урди. бундай ваҳшийликни кутмаган аёл даставвал қўрқиб кетди, кейин эса қочиб, бошқа хонага ўтди ва эшикни ичидан қулфлаб олди. Эшикни очолмаган Садриддин тезда бу ёғини тинчитиш учун уйга бензин сепиб, ёқиб юборди ва Элмирани олиб, яна шундай танишларидан бири Тамаранинг уйига жўнаворди. Бир маҳал ўзига келган мезбон уйнинг ёнаётганини сезиб, зўрға судралиб деразани очди ва қўни-қўшниларни ёрдамга чақирди. Ўзининг ёвузлигидан заррача виждон азобига тўшмай, энди айш-ишратни Тамаранинг уйида давом эттириб, «марихуана»ни тортиб ўтирган «супермен» уйга кириб келган милиция ходимларини кўриб ранги бўздек оқарди. Оёқ-қўллари бўшашди. Тили айланмай қолди. Одамийлик қиёфасини йўқотган Садриддин олий жазога, шериги Қаҳрамон эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Янгийўллик «супермен»лар ўзларининг қора қилмишлари, ноҳақ тўккан қонлари учун жавоб беришди, албатта. Лекин, тубан кимсаларнинг қонхўр ишлари кўпчиликнинг юрагига жудолик аламини солиб кетди. Кимдир ўғлидан, кимдир отасидан, кимдир турмуш ўртоғидан ажралди. Кимдир оғир жароҳатланди. Ярамаслар инсонга бир бор бериладиган умрни разиллик билан совириб юборишди. Улар энди икки дунёси куйганлигини англаб етишармикан?!

Умида БОЛЛИЕВА



АЖДОДЛАРДАН МЕРОС
ҳунармандлар мактаби

Хоразмдан кўплаб қўлигул уста-ҳунармандлар етишиб чиққан. Кулолчилик, наққошлик, ўймакорлик санъати бу ўлкада қадимдан ривож топган. Энг қувончлиси, аждодлардан мерос халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга эътибор муттасил равишда кучайиб бормоқда. Мана 5 йилдирки республика «Ҳунарманд» уюшмаси Хоразм вилояти бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят бўлими Низомида унутилиб кетаётган ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш, уларни ривожлантириш ва тарғибот-ташвиқот қилиш, ҳунармандларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш каби аниқ вазифалар белгилаб қўйилган. Айни пайтда Хива ва Шовот туманларида бўлимнинг филиаллари очилган. Шунингдек, вилоятда 30 та «Уста-шогирд» мактаби мавжуд. Бу мактабларда тажрибали, моҳир усталар томонидан ёшларга 10 дан ортиқ ҳунар турлари сир-асрорлари ўргатилмоқда. Мазкур ҳунар мактаблари хомашё ва дастгоҳлар билан таъминланган. Ҳунар ўрганаётган талабаларга стипендиялар жорий қилингани айни муддао бўлди. Бу ишларга республика «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан 1560 минг сўм маблағ ажратилди. Ўтган йили 49 нафар мактаб битирувчиларига касб эгаллаганликларини тасдиқловчи гувоҳномалар топширилди. Бугунги кунда ушбу даргоҳлардан етишиб чиққан кўплаб етук усталар йўқолиб бораётган ҳунармандчилик турларини қайта тиклашда фаол хизмат қилмоқда.

Ҳозирда Хива туманида 14 та, Шовот туманида 10 та, Урганч шаҳрида 2 та, Қўшкўпир туманида 2 та, Янгиариқ, Хонқа, Ҳазорасп туманларида 1 тадан ҳунар мактаблари ишлаб турибди. Уларда ҳунар ўрганаётган талабалар сони 254 нафарга етди. Шулардан 130 нафари уюшма аъзолигига қабул қилинди. «Уста-шогирд» мактаблари фаолиятини яхшилашда Хива ва Шовот туманлари ҳокимликлари саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Бу туманларда кўплаб ҳунар эгаларини тарбиялаб етиштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилмоқда. Ушбу ҳудуд вакиллари ўз маҳсулотлари билан вилоят ва республика кўргазмаларида фаол иштирок қилмоқдалар.

Вилоят ҳунармандлари тайёрлаган буюмлар ривожланган хорижий давлатлардан Германия, Франция, Дания ҳамда Россиянинг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида рекламалар, ҳунармандчилик савдо кўргазмалари ташкил қилинмоқда.

Яқинда Боғот туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалигида кулолчилик цехи очилди. Натижада 51 нафар киши иш билан таъминланди. Бу ерда унутилиб кетган, лекин айни пайтда ишлатишга яроқли кўза, хум, товоқ сингари буюмлар ясалмоқда.

Бундан ташқари, Янгиариқ туманидаги Аваз Ўтар номли ширкат хўжалигида ҳам кулолчилик цехи маҳсулот чиқаришни йўлга қўйди, натижада 21 нафар ҳунарманд иш билан таъминланди. Хива туманидаги Огаҳий номли ширкат хўжалигида гилам тўқиш ва ёғочсозлик цехларини ўз ичига олган ҳунармандчилик мактаби, Хонқа туманидаги Олажа қишлоғида «Эврика Кулол» кичик корхонаси ташкил қилинмоқда. Шунингдек, Урганч туманида ёғочсозлик, гиламчилик, Гурлан туманида миллий мусиқа асбобларини тузатишга ихтисослашган ҳунар мактаблари ташкил қилиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ЁШЛАРИМИЗ – ЭНГ ФАОЛ КИТОБХОН

Зиё

Термиз шаҳри марказида жойлашган Ғафур Ғулом номидаги вилоят болалар кутубхонаси доим ўқувчи ёшлар билан гавжум. Зиё масканида ўзгача файз бор...

– Фондимизда жами 150 мингдан ошиқ китоб бор, – дейди кутубхона раҳбари Ҳамид Тўрақулов. – Бундан ташқари, ёшларда китоб ўқишга рағбат уйғотиш учун кутубхона томонидан мактабгача таълим муассасаларида ва ўрта мактабларда 24 та кўчма кутубхона ташкил этилди.

Бугунги кунда вилоят бўйича 20 та махсус болалар кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, ушбу кутубхоналарга вилоят ҳасаба уюшма кенгашининг ёрдами беқиёс. Улар кўмаги билан ёзги таътилда йигирмага яқин болалар оромгоҳларида кўчма кутубхоналар ташкил этилди. Қолаверса, турли мавзуларда уюштирилаётган давра суҳбатлари ва китоб кўргазмаларига ҳам касаба уюшма кенгаши ҳомийлик қилмоқда.

Вилоят кутубхона жамоасининг ташаббуси билан адабиётимиз ва миллий маданиятимизнинг буюк намоёндалари ҳаёти, маънавий меросига бағишлаб турли кечалар, таниқли адибу олимлар билан ижодий учрашувлар мунтазам ўтказиб турилибди. Бундай тадбирларни ташкил этишда Қудрат Жўраев, Болтажон Содиқов ва Шафоат Термизий каби олимлар яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Футбол

Спортда руҳий босим кўп нарсани ҳал қилади. Айниқса, футболда. Биз буни Бирлашган Араб Амирликларида ўтаётган жаҳон чемпионатида ёшларимиз тимсолида кўриб, яна бир карра ишонч ҳосил қилиб турибмиз. Ахир кимсан Аргентина ва Испания футболи намояндаларига қарши тўп суришнинг ўзи бўладими?

ЧЕТДА ТЎП СУРИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

Лекин нега унда биринчи турда Мали ёшлар термасига ютқазиб қўйдик? Гўё ҳаммаси ёмон кетмаётгандек эди-ку! Ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтда ҳимоя чизиғимиз ҳушёр турганида ва дарвозабонимиз кўпол хатога йўл қўймаганида дуранг накд қўлимизда эмасмиди? Агар диққат билан таҳлил қилинса, юқорида айтганимиз руҳий босим ўз ишини қилганлигини англаб етамиз. Футболчиларимиз энг масъулиятли палларда пала-партиш ҳаракатлар билан «мени е» деб турган лагандаги ошларини олдириб қўйишди. Хусусан, И.Нестеровнинг дарвозани ташлаб олдинга чиқиб кетганини ва позицион янглишганини шу билан изоҳлаш мумкин.

Хўш, ёшларимиз нега БААга ташриф буюрган малилик тенгқурларининг шиддаткорлигига дош беролмадилар? Эътироф этишимиз жоизки, қора қитъада кейинги ўн-ўн беш йил ичида спорт, айниқса, футбол мисли кўрилмаган даражада тараққий топди. Бугун юзлаб легионерлар Европа майдонида тўп сураётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Қолаверса, Мали Африкада расман учинчи поғонадаги жамоа. Бинобарин, биз ёшларимизнинг ушбу команда дарвозасини икки бор ишғол этганини муносиб баҳолаб, тажриба ана шундай халқаро учрашувларда ортишини ёдга олмоғимиз даркор.

Ҳа, Жаҳон чемпионатида қатнашишнинг ўзи катта ютуқ. Ҳали қараб турингу ушбу жанггоҳда тобланган ёшларимиз уйга бутунлай бошқача руҳда қайтадилар, биз илгари кўрмаган қандайдир хатти-ҳаракатлар билан тилга тушадилар, ҳурмат қозонадилар. Бунга бизнинг жуда-жуда ишонгимиз, умид қилгимиз келади.

Нимаям дердик, ҳар бир жамоанинг ўз имконияти ва уни тинимсиз олға интилишга чорлайдиган сифат даражаси бўлади. Спортда, энг муҳими, тушкунликка тушмаслик ва яхши маънодаги курашга тўймасликдир. Бугун бўй бермаган чўққи, астойдил ҳаракат қилинса, албатта забт этилади.

Аргентина билан кечган иккинчи тур учрашуви қайсидир жиҳатдан кўнгилга чироқ ёққандек бўлди. Тўғри, футболчиларимизга бу гал ҳам омад кулиб боқмади. Лекин, очиқ айтадиган бўлсак, биз бундай ҳисобни хаёлимизга ҳам келтирмагандик. Ҳар ҳолда Марадона издошлари билан тенгма-тенг ўйнаш ва кичик (1:2) ҳисобда мағлубиятга учраш унчалик уятли ҳол эмас.

Демакки, 4 декабрда Испания билан янада муваффақиятли ўйнаш мумкин. Ким билади, В.Борисов шогирдлари астойдил ҳаракат қилсалар, (футболда нималар бўлмайди ахир) ғалаба қозонишлари ҳам ҳеч гап эмас. Умид энг охири сўнади. Футбол мутасаддиларимиз ҳозир ана шу ҳақда бош қотираётган бўлсалар ҳеч ажабланмаймиз.

Турнир жадвалига қараб, ўзингиз бунга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Аргентина	2	2	0	0	4-2	6
2. Испания	2	1	0	1	3-2	3
3. Мали	2	1	0	1	3-4	3
4. Ўзбекистон	2	0	0	2	3-5	0

Хабарлар оқимидан

МАСОФАДАН ТАЪЛИМ КУРСЛАРИ

Мамлакатимизда масофавий таълимни йўлга қўйишда дастлабки тажрибалар орттирилди. Ана шу педагогик жараённи бошқараётган ўқитувчилар малакасини ошириш республика «Истеъдод» жамғармаси ҳузурида тузилган масофавий таълим маркази тадбиркорлик билан иш кўрмоқда.

Марказнинг Россия Федерацияси интернет-ахборот технологиялари университети билан ҳамкорлиги самарали бўлмоқда. Интернет-университет томонидан ташкил этилган ўқув курсида яқинда ўзининг биринчи тингловчиларини учирма қилди. Ўқишни муваффақиятли битирган ёш ўқувчилардан бир нечтаси интернет-университети сертификатларини қўлга олди.

Марказ томонидан «Масофавий курсларни ташкил этишнинг технологияси ва методологияси» бўйича йўлга қўйилган ўқув курси олий ўқув юртлари ўқитувчиларига мўлжалланади. Машғулотлар эса Россия ахборот муаммосини ривожлантириш институти ҳамда Москва давлат электроника ва математика институти олимлари билан ҳамкорликда уюштирилади.

Эндиликда масофавий таълим орқали магистрларни тайёрлаш тараддуди кўрилмоқда. Бунинг учун «Истеъдод» жамғармаси Британиядаги Эдинбург бизнес-мактаби билан шартнома тузишга киришди.

ШОҲМОТГА ЎЗГАЧА НИГОҲ БИЛАН

Италиянинг «Эдишере» нашриётида шоҳмот бўйича собиқ жаҳон чемпиони, россиялик Гарри Каспаровнинг «Менинг буюк аждодларим» номли трилогияси итальян тилида чоп этилди.

«Мен шоҳмот тарихига бағишланган мутлоқо бошқа қарашдаги, яъни анъанавий тарзда бўлмаган нигоҳ билан ёзилган китобимда «Шоҳлар ўйини»нинг янги қирраларини очишни мақсад қилиб қўйган эдим. Бугун шоҳмот гуркираб ривожланмоқда, бунда жаҳон чемпионларининг катта ҳиссаси борлигини айтиш жоиз», деб ёзади у китобининг кириш қисмида.

Бундан аввал унинг Лондон ва Нью-Йорк шаҳарларида инглиз тилида чоп этилган ушбу трилогияси машҳур Гарри Поттер ҳақидаги китоб билан рақобатда бўлолган эди.

Шу боис ушбу нашр Апенин ярим оролида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетишига ишонмоқдалар. Бунда собиқ жаҳон чемпионининг электрон шоҳмот машинасига қарши яқинда ўтказилган ўйини ҳам муҳим рол ўйнаши мумкин.

«СЕҲРЛИ БОШОҚ» САҲНАДА

Янги йил арафасида пойтахтимиздаги қатор театрлар ўз мухлисларига қизиқарли томошаларни тақдим этадилар. Муқимий номидаги мусиқали театр ижодий жамоаси ҳам ушбу анъанага содиқ қолиб ажойиб, қувноқ спектакл устида иш олиб бормоқда.

«Сеҳрли бошоқ» деб номланган ушбу постановка болакайларга яхши совға бўлади. Ўзбек халқ эртаги асосида саҳна юзини кўраётган томоша мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунлари намойиш қилинади.

«Сеҳрли бошоқ» театрнинг гастрол дастурларидан ҳам ўрин олади.



ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Республикамизда қўл кураши спорт турини ривожлантириш йўлида амалий иш олиб борилмоқда. Кишидан куч ва чаққонлик талаб қиладиган бу спорт тури бўйича турли қўлланмаларни чоп этиш ҳам кўзда тутилди.

Кези келганда, қўл кураши ҳақида Ўзбекистон Федерацияси вице-президенти Фикрат Каримов томонидан ёзиб тугалланган ўқув адабиётини босмага берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Рангли қилиб нашр этиладиган ушбу қўлланма яқин орада кўп нусхада чиқарилади.

А. АЛИЕВ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи ва Республика Киночилар уйида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Дев билан пакана» бадиий фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

«ДЕВ БИЛАН ПАКАНА»

Фильм муаллифлари одамлар ўртасидаги муносабатларга, мавжуд муаммоларга ўзига хос тарзда, янгича нигоҳ билан ёндашган. Турмушда учраб турадиган муаммолар қизиқарли воқеалар орқали очиб берилган. Томошабин орият, мардлик, софдиллик, ҳалоллик каби фазилатлар ҳамиша чин инсонийлик мезони бўлиб қолаверишига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Фильмни И.Файзибергенов ва Н.Хўжаев сценарийси асосида режиссёр Ж.Қосимов суратга олган. Ундаги ролларни Н.Сайидалиев, О.Асомов, Б.Йўлдошев, Ф.Жалолов, М.Ражабов, М.Ихтиёрова каби санъаткорлар ижро этган.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент Фото уйида пойтахт ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқаро бизнес маркази, «Hewlett-Packard компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистонга муҳаббат билан» кўрик танловининг ғолиблари эълон қилинди.

Танловда юртимизнинг кўплаб профессионал ва ҳаваскор фотоусталари ўзининг 500 дан зиёд ижодий иши билан қатнашди. Кўрикнинг бош мукофоти - Гран-при Александр Аблаянга «Баҳор» фотосурати учун, ҳаваскор ижодкорлар орасида эса Дамир Ҳайдаровга «Кузги хаёл» композицияси учун топширилди. Рустам Назарматов туркум суратлари билан «Томошабин олқишига сазовор бўлган фотоасар» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

(ЎзА)

Хайрли қадам

79 МИЛЛИОН СЎМЛИК ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Чортоқ тумани таълим тизимига чет эл сармоясини жалб этиш бўйича дастлабки муҳим қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, тумандаги 3-мактаб Япония элчихонасининг 14,5 минг АҚШ долларлик ўқув жиҳозларига эга бўлди. 11-мактабда замонавий компьютер синфи иш бошлади. 53-мактаб эса Осиё тараққиёт банки грантига тавсия этилди. Халқ таълими бўлимига қарашли ўқув даргоҳи ихтисослашган мактабга айлантирилди. 35 та мактабнинг 160 та чуқурлаштирилган синфида 5 минг нафарга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Натижада ўқувчиларнинг фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда иштироки анча жонланди. Агар ўтган йили туман ёшлари вилоят биринчилигида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, бу йил 9-мактаб ўқувчиси немис тили бўйича республика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этди. 5-,22-,44-,45-мактаб ўқувчилари республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда вилоят шарафини ҳимоя қилдилар.

Таълим масканларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Айниқса, спортнинг Миллий ва шарқона турлари ўқувчиларнинг энг севимли машғулотларидан бирига айланди. 47-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Мавжуда Абдураҳмонова каратэ бўйича Фарғона водийси чемпиони бўлди. 9-мактабнинг 2 нафар ўқувчиси эса бокс бўйича республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллашди.

Шунингдек, ўтган 2 йил давомида таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва қиш мавсумига тайёрлаш учун ҳомийлар томонидан 79 миллион 500 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги кунда барча таълим муассасалари қишки мавсумга шай ҳолга келтирилган. Мактаблар учун шу мақсадда 452 метр квадрат ойна, 1869 тонна кўмир олиб берилди, 96 та қозонхона қайта таъмирдан чиқарилди.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Иснод

ОҒУГА АСИР ТУШИБ
уятга қолди

Пахтаободлик Ҳошимжон Марозиқовнинг маҳалладошлари орасида ўзига тенгдош йигитлар кўп. Бири чорва фермасида, бири темирйўл бўлимида ишлаб рўзғор тебратади. Айтмоқчимизки, топган нонларини халоллаб ейдилар. Дўстлари хатто унга бир неча бор иш ҳам таклиф қилишди. Аммо меҳнатга бўйни ёр бермаганидан кўнмади. «Сенга оғирлигим тушмай қўяқолсин» - деб хатто оғринди ҳам. Бўлмаганга бўлишма, деб шуни айтадилар-да.

У кўпинча ташлама ариқ бўйидаги ёввойи ўтлар ўсиб ётган ўтлоқда бир нима қидираётгандек дайдишини қўймасди. Ёввойи наша ўсимлигининг қуриган баргларини териб олиб, гугурт қутисига жойлаётганлигини кўриб қолганлар насиҳат ҳам қилишди, аммо унга кор қилмади. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Охири унинг бозорда кўзи олазарак бўлиб харидор қидираётгани, гиёҳвандлар билан пана жойларда пичирлашаётганлиги устидан чиқишди.

Бу хабар Андижон темирйўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлим жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмасини бефарқ қолдирмади. Тергов бўлинмаси бошлиғи милиция катта лейтенанти Дилмуроджон Салоҳиддинов раҳбарлигидаги тезкор гуруҳ тузилди. Бекшодбек Мадаминов, Фазлиддин Ғофуров, Ҳабибулло Парпиев сингари тажрибали изқуварлар таркибга киритилди.

Тезкор гуруҳ кутиб ўтирмайди. Сабабки, гиёҳфуруш «молини» бозорга чиқарса, бирор ўсмир ёки ёш тузоғига илиниб, бир умр кашандалик дардига мубтало бўлиб, икки дунёси куйиши тайин.

Шундай қилиб, Ҳошимжон дайдиган Тентаксой темирйўл бекати бўйлари, гумондорнинг хонадони, таниш-билишлари кузатувга олинди. Гуруҳ аъзолари бир қанча тунни бедор ўтказдилар. Изқуварлар ўтлар орасида киприк қоқмай Ҳошимжонни хатти-ҳаракатини видеога туширардилар. Ҳа, ички ишлар ходимларига операцияни назорат қилиш топширилганлиги ўз самарасини берди. Унинг қиматли маслаҳатлари асқотди. Заҳриқотилни «сотиб оладиган» холис харидор қилиб гуруҳ аъзоларидан бири тайинланди. Унга кимёвий ишлов берилган пул берилди.

Кузатувлардан яна бир тафсилот - маҳалладошлардан Маъмуржон Болтабоев Ҳошимжондан 11 та гугурт қутисида соф оғирлиги 23,3 грам оғуни сотиб олганлиги, умуман у воситачи эканлиги юзага келиб чиқди. Бу «иккилик» яна қайси «занжирга» бориб уланаркин? Жиноятни илдизи билан кўтариш шуни тақозо этарди.

Холис «харидор» кузатувларнинг бирида «гиёҳванд» қиёфасида Маъмуржонга гоҳо ана шундай сукунатда ишлашларига ҳам тўғри келади.

Кузатувлар натижаси ўлароқ Ҳошимжоннинг териб олинган ёввойи наша ўсимлигидан ғараз ниятида уйда яширинча гиёҳванд модда тайёрлаш билан шуғулланиши тасдиғини топди. Энди оғуни пуллашда мижози ким, қандай усулда бозорга чиқарилиши, кимлар сотиб олишини аниқлашгина қолганди. Бошлиқ ўринбосари милиция подполковниги Қодиржон Ҳасановга «қармоқ» ташлайди, марихуана излаётганлигини айтади. Ажалфуруш Маъмуржон катта пул ишлаш илинжида лаққа тушади. Ҳошимжондан олган юқоридаги 23,3 грам заҳарни 32 минг сўмга сотаётганда билагига «темир билагузук» шилқ этиб тушди.

Маъмуржон жиноятдан тонмоқчи бўлиб, буқаламундек ўзини турли қўйга солиб кўрди. Бўлмади, негаки, ишлов берилган пулларда бармоқ излари «мана мен» деб турарди. Гиёҳванд-фурушлар қилмишларидан пушаймон бўлдилар. Лекин энди кеч эди. Ваҳоланки яхшиларнинг сўзига кириб, оиласи бағрида эмин-эркин яшашлари, пойтахтдан, бошни баланд кўтариб юришлари мумкин эди-ку! Сўнгги пушаймон-ўзингга душман деганлари шу бўлса керакда.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8803 Буюртма Г— 0017 123456